

МУЛОҲАЗА

«АВТОМОБИЛСИЗ КУН»

акциясида барча фаол иштирок этяптими?



Фаровон турмуш тарзини яратишда автомобилнинг ўрни бекиёс. Чунки у одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилади. Аммо дунё миқёсида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамон муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида 1 миллион 200 мингга яқин инсон ҳаётдан кўз юмиб, 50 миллион киши турли даражадаги тан жароҳати олмақда. Юртимизда ҳам ҳайдовчилар томонидан транспорт воситаларининг тезлигини ошириш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслик ва яхши билмаслик туфайли ҳар йили ўртача 9–10 мингга йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлар экан. Бу эса 2 мингдан ортиқ инсоннинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига олиб келмоқда. Йўл ҳаракати қоидаларининг ҳайдовчиларнинг айби билан бузилиши ҳам ўзлари учун, ҳам йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчилари учун, айниқса, пиёдалар учун оғир оқибатларни келтириб чиқаряпти.

Шу боис мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, транспорт воситаларини бошқариш ва автомобиль йўлларининг пиёдалар ўтиш жойларида уларнинг ўзини тутиш маданиятини янада юксалтириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2018 йил 30 августдаги Вазирлар Маҳкамасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги кунини ўтказиш ва йўл-транспорт ҳодисалари профилактикасининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ҳафтанинг ҳар жумаси «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тарғибот куни» ҳамда ҳар ойнинг учинчи жумаси «Автомобилсиз кун» деб эълон қилиниши аниқ фикрларимиз тасдиғидир.

Бу борада барча жойларда бўлгани каби, республикамизнинг транспорт воситалар энг серқатнов ҳисобланган Тошкент шаҳрида ҳам пойтахт ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасидаги профилактик ишлар мунтазам равишда олиб борилиши натижасида мазкур кўнгилсизликлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 130 тага, вафот этганлар сони эса 26 тага, жароҳат олганлар 191 тага камайган. Болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари 31 тага, ҳалок бўлганлар сони 1 тага, жароҳат олганлар эса, 38 тага камайишига эришилди. Бундай кўрсаткичларга эришининг муҳим омилларидан бири сифатида аҳоли ўртасида ўтказилаётган кенг қамровли тарғибот-ташвиқот тадбирларини кўрсатиш мумкин.

– Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бошқа соҳавий хизматлар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда шаҳримиздаги меҳнат жамоалари, таълим муассасалари, маҳаллалар ва аҳоли гавжум жойларда 11337 мартаба суҳбат ва тушунтириш ишлари, 31 марта сайёр судлар ҳамда 1130 мартаба оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилин-



ди, – дейди Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси матбуот хизмати бошлиғи, майор Қахрамон Худойберганов. – Шунингдек, 10397 та буклет ва эслатма тарқатилиб, 161 та панно ва шиорлар ўрнатилди. Бундан ташқари, ўтказилган тадбирлар натижасида 911350 та қоидабузарлик аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

Шу билан бирга, ҳозиргача қизғин давом этаётган «Автомобилсиз кун» акцияси доирасида ҳам 2809 мартаба турли кўринишдаги тадбирлар ташкил қилинди. Айниқса, кўнгилочар шоудастурлар, велопойга ва танловлар барчада катта қизиқиш уйғотди. Аммо шунча саъй-ҳаракатларга қарамасдан, юртдошларимизнинг кўпчилиги ушбу акцияда астойдил қатнашишни нагадир исташмаяпти.

– «Автомобилсиз кун» акциясини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад пойтахтимиз экологияси, аҳоли саломатлиги ва автомобиль йўлларидаги ортиқча тирбандликларнинг олдини олишдан иборатдир, – дейди бош бошқарманинг матбуот хизмати катта инспектори, майор Шодмон Сафаров. – Шу боис шаҳримизнинг кўглаб-

худудларида фуқароларнинг мазкур тадбирларда муносиб иштирок этиши учун алоҳида велосипед йўлакчалари ва бошқа шарт-шароитлар яратилган. Бироқ уларнинг бундай имкониятлардан самарали фойдаланиш ўрнига, бифарқ муносабатидан ранжийсан киши.

– Узоқ йиллар мобайнида бир нечта хорижий давлатларда бўлиб, ҳайдовчилик билан шуғулландим, – дейди шаҳримизнинг Новатор кўчаси ва Алгоритм даҳаларини боғловчи 48-автобус ҳайдовчиси Бекзод Ҳамроев. – Аммо она Ватанга бўлган соғинчим туфайли яна жонажон юртимизга қайтдим. Мана ўн йилдирки, пойтахти-

Инсон учун соғлиқдан-да қимматлироқ нарсанинг ўзи йўқ. «Автомобилсиз кун» акцияси ҳам юртдошларимизнинг нафақат соғлиғи, балки оилавий бюджети учун аниқ муддаодир. Аҳоли ўртасида кам сонли бўлса-да, бу ҳаётий ҳақиқатни тушуниб етганлар ҳам йўқ эмас.

– Серқатнов кўчалардаги автомобиллар тирбандлигига дуч келаверганимдан автомобилсиз юришга қарор қилдим, – дейди пойтахтнинг Сирғали туманида истиқомат қилувчи фуқаро Омонтурди

Хонкелдиев. – Ҳозирда гоҳ пиёда, гоҳ велосипедда юриб, соғлиқ учун бундай ҳаракатларнинг фойдадан холи эмаслигини янада тушуниб етдим.

– Ўзим Олмазор туманидаги Беруний маҳалласида яшайман, – дейди Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўқитувчиси, фалсафа фанлари номзоди, доцент Анвар Содиков. – Шахсий автомашинада «Беруний» метро бекатигача келиб, уни шу ерда қолдираман ва метрога тушиб, «Ўзбекистон» бекатидан чиқаман. Сўнгра бироз пиёда юриб, ишхонамга етиб оламан. Шу алфозда ҳам вақтдан, ҳам йўллардаги ортиқча асабузарликлардан, ҳам кераксиз сарф-харажатлардан фориғ бўламан.

– «Автомобилсиз кун» акцияси доирасида қилинаётган шунча саъй-ҳаракатларга қарамасдан, ҳалигача йўллардаги транспорт воситаларининг сони камайганича йўқ, – дейди Афросиёб ва Шароф Рашидов кўчалари туташган чорраҳада хизмат олиб бораётган кичик сержант Камолиддин Мансуров. – Ҳатто йўл ҳаракати қоидаларининг тегишли бандига асосан, йўлнинг қатнов қисмидан велосипед ҳайдовчиларининг бир қатор бўлиб ҳаракатланишига рухсат этилишига қарамасдан, уларни камдан-кам учратаман.

Нима бўлганда ҳам, фуқароларимиз соғлиғи ва атмосферамиз мусаффолиги учун ўтказилаётган мазкур тадбир нафақат бугунимиз, балки, эртанги кунимиз учун ҳам фойдали эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Михли САФАРОВ,
«Postda» мухбири.
Содиқ ҲАКИМОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН-РЕСПУБЛИКАСИНING-КОНСТИТУЦИЯСИ

36-модда.

Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли.

Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

